

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**13-сон**  
**(357)**  
**2009 йил**  
**30 март**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Учинчи бўлим*

140. «Ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастури тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 мартдаги 75-сон қарори
141. «Болалар спортини ривожлантириш соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 мартдаги 76-сон қарори
142. «Вазирлар Маҳкамасининг «2005 — 2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида» 2004 йил 22 ноябрдаги 548-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 мартдаги 77-сон қарори
143. «2009 — 2015-йиллар даврида республикада иссиқлик таъминоти тизими ислоҳ қилиш концепциясини ҳамда иссиқлик таъминоти тизими-

- ни модернизация қилиш ва ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 мартдаги 78-сон қарори [Кўчирма]
144. «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Сурхондарё вилоятининг сув таъминоти ва санитарияси» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 мартдаги 79-сон қарори
145. «2009 — 2013 йилларда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 мартдаги 80-сон қарори
146. «Тараққиёт йўлида озиқ-овқатлар билан таъминлаш» дастури доирасида қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги устувор лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 мартдаги 85-сон қарори
147. «Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 мартдаги 86-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

148. «Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 13 мартдаги 33, 2009-15, 01-02/8-6-сонли қарори. *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 20 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 589-4)*
149. «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 13 мартдаги 34, 2009-14, 01-02/8-7-сонли қарори. *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 20 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1320-2)*
150. «Фойдали моделга Ўзбекистон Республикасининг патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2009 йил 11 мартдаги 35-сонли

буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1343-1*)

151. «Болаликдан ногиронларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 24 февралдаги 27-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1927*)

152. «Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 27 мартдаги 79-мх-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1928*)

153. «Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 27 мартдаги 80-мх-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1929*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 19 мартдан 27 мартгача бўлган маълумот

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **140** **Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарорига мувофиқ, шунингдек ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

бир ой муддатда тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК)ни ва тиббий-маслаҳат комиссиялари (ТМК)ни ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури ягона шакли билан зарур миқдорда таъминласинлар;

ТМЭК ва ТМК фаолиятида ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини шакллантириш ва қўлланиш амалиёти кенг жорий этилишини таъминласинлар;

ногиронларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурларида назарда тутилмаган реабилитация қилиш чора-тадбирлари тегишли бўлимлари ва бандларининг корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилиши юзасидан доимий мониторингни ташкил қилсинлар ва олиб борсинлар ҳамда реабилитация қилиш натижаларини мунтазам равишда баҳолаб борсинлар.

3. Ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари ногиронларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурларида назарда тутилмаган чора-тадбирларнинг изчил ва тўлиқ амалга оширилишини таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 18 март,  
75-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 18 мартдаги 75-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги  
дастури тўғрисида  
НИЗОМ**

Ушбу Низом «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига, Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низомнинг мақсадлари учун қуйидаги атамалар ва таърифлардан фойдаланилади.

**ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури** (кейинги ўринларда РЯТД деб аталади) — ногирон учун реабилитация қилишнинг мақбул чора-тадбирлари комплекси, улар ногирон организмнинг, шунингдек меҳнат фаолиятининг муайян турларини бажариш қобилиятининг бузилган ёки йўқолган функцияларини тиклашга, компенсация қилишга йўналтирилган тиббий, касб бўйича, ижтимоий ва бошқа реабилитация қилиш чора-тадбирларини амалга оширишнинг айрим турлари, шакллари, муддатлари ва тартибини ўз ичига олади;

**тиббий реабилитация қилиш** — РЯТДнинг реабилитация қилиш чора-тадбирлари, бу тиклаш терапияси, реконструктив жарроҳлик, протезлаш ва ортезлашдан иборат бўлади;

**бажарувчи ташкилотлар** — даволаш-профилактика муассасалари, реабилитация қилиш марказлари, бандликка кўмаклашувчи марказлар ва РЯТД-да тиббий, касбий ва ижтимоий реабилитация тадбирларининг бажарувчилари этиб белгиланган бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

**касбий реабилитация қилиш** — РЯТДнинг реабилитация қилиш чора-тадбирлари, ногиронни касбга йўналтириш, унга касб таълими бериш, касб-хунар-ишлаб чиқариш мослашувидан ва уни ишга жойлаштиришдан иборат бўлади;

**ижтимоий реабилитация қилиш** — РЯТДнинг реабилитация қилиш чора-тадбирлари, улар ногироннинг ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш, мўлжал олиш, муомала қилиш, ўз хулқ-атворини назорат қилиш, ўқиш ва бошқа қобилиятини тиклашга йўналтирилган ижтимоий-муҳит бўйича мўлжал олдириш ва ижтимоий-маиший мослашувдан иборат бўлади.

2. Ногироннинг РЯТД, ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, бажарувчи ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

3. РЯТД ногирон учун тавсия тусига эга, ногирон тиббий, касбий ва ижтимоий реабилитация қилишнинг у ёки бу турини, шаклини, ҳажмини, шунингдек умуман дастурни бажаришни рад этиш ҳуқуқига эга.

Ногирон умуман РЯТДни ёки унинг бирон-бир қисмини бажаришни рад этган тақдирда бажарувчи ташкилотлар РЯТДнинг бажарилмаганлиги учун жавоб бермайди.

4. Бажарувчи ташкилотлар, шунингдек тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (кейинги ўринларда ТМЭК деб аталади) ва тиббий маслаҳат комиссиялари (кейинги ўринларда ТМК деб аталади) томонидан РЯТДни бажаришда реабилитация қилиш тадбирларини амалга оширишда изчиллик, комплекслилик ва узлуксизлик, ўтказилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини доимий қузатиб бориш ва назорат қилиш таъминланади.

## II. РЯТДни ишлаб чиқиш тартиби

5. РЯТД ушбу Низомга иловага мувофиқ шакл бўйича:

16 ва ундан катта ёшдаги шахслар учун — ТМЭК томонидан;

16 ёшгача бўлган болалар учун — ТМК томонидан ишлаб чиқилади.

6. Реабилитация қилиш тадбирларини амалга оширишда ТМЭК (ТМК) мутахассислари текшириб кўриладиган шахсга реабилитация тадбирларининг мақсадини, вазифаларини, прогноз қилинадиган натижаларини, тиббий ва ижтимоий-ҳуқуқий оқибатларини тушунтириши ҳамда текшириш далолатномасида суҳбатлашиш ўтказилган санани кўрсатган ҳолда тегишли ёзувларни қайд этиши шарт.

7. РЯТДни ишлаб чиқиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

реабилитация-эксперт диагностикасини ўтказиш;

реабилитация потенциали ва реабилитация прогнозини баҳолаш;

ногиронга маиший, ижтимоий ва касбий фаолиятни бажаришда бузилган қобилиятни тиклаш ёки уни компенсация қилиш имконини берадиган тадбирларни, техник воситалар ва хизматларни белгилаш.

8. РЯТДни ишлаб чиқиш ногироннинг (ёки унинг қонуний вакилининг) мажбурий иштирокида ТМЭК (ТМК) томонидан амалга оширилади.

9. Реабилитация-эксперт диагностикасининг мураккаб турларини қўллаш

талаб қилинадиган ҳолларда ногирон РЯТДни тўлдириш ва унга тузатишлар киритиш учун ТМЭК (ТМК) томонидан Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар тизимидаги даволаш-профилактика ва диагностика муассасаларига юборилиши мумкин.

10. Ишлаб чиқилган РЯТД ТМЭК (ТМК) раиси ва ногирон (ёки унинг қонуний вакили) томонидан имзоланади, ТМЭК (ТМК) муҳри билан тасдиқланади ва ногиронга (ёки унинг қонуний вакилига) берилади.

Ногирон (ёки унинг қонуний вакили) ишлаб чиқилган РЯТДни имзоланиши рад этган тақдирда ТМЭК (ТМК) томонидан бу тўғрида далолатнома тузилади, у РЯТД билан бирга ТМЭК (ТМК) кўрик далолатномасига қўшиб қўйилади.

Ногирон (ёки унинг қонуний вакили) РЯТД мазмунига рози бўлмаган тақдирда у ТМЭКнинг юқори муассасаларига, соғлиқни сақлаш бошқарув органларига ёки белгиланган тартибда судга ёзма ариза беришга ҳақлидир.

11. Бажарувчи ташкилотлар, зарурат бўлганда, ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ногироннинг РЯТДга қўшимча ёки тузатиш киритиш ҳуқуқига эга.

12. Ногирон РЯТДни йўқотиб қўйган тақдирда тегишли ТМЭК (ТМК) томонидан янги РЯТД тўлдирилади.

### **III. РЯТДни амалга ошириш тартиби**

13. Бажарувчи ташкилотлар РЯТДнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни мунтазам равишда расмийлаштириб бориши ҳамда мазкур маълумотларни бажарувчи ташкилот раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқлаши керак.

14. РЯТДнинг бажарилишини назорат қилиш ва баҳолаш ногиронни доимий равишда кузатиб борган ва навбатдаги кўриқдан ўтказган ҳолда ТМЭК (ТМК) томонидан амалга оширилади.

15. РЯТДни бажариш натижаларининг якуний баҳоси ТМЭК (ТМК) мажлиси коллегиял равишда муҳокама қилингандан кейин чиқарилади, раис томонидан тасдиқланади ва ногиронга (ёки унинг қонуний вакилига) етказилади.

16. РЯТДда белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминламаган бажарувчи ташкилотлар раҳбарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

### **IV. Якуний қоидалар**

17. РЯТДни ишлаб чиқиш, назорат қилиш ва бажариш натижаларини баҳолаш юзасидан жавобгарлик ТМЭК (ТМК)га юкланади.

18. РЯТДни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари бўйича пайдо бўладиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

## Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги ДАСТУРИ

(намунавий шакл)

20\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ -сон кўрик далолатномасига  
(112/у-сон амбулатория картасига) \_\_\_\_\_ -сон РЯТД.

Тиббий-меҳнат эксперт комиссияси ёки тиббий маслаҳат комиссияси  
хизмати муассасаси (номи) \_\_\_\_\_ (№ \_\_\_\_\_)

Фамилияси, исми, отасининг исми \_\_\_\_\_

Жинси: эркак, аёл. Туғилган санаси \_\_\_\_\_

Доимий, вақтинчалик яшаш манзили (остига чизилсин):

почта индекси \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ шаҳри,  
тумани, \_\_\_\_\_ қишлоғи, \_\_\_\_\_ кўча-  
си, \_\_\_\_\_-уй, \_\_\_\_\_ корпус, \_\_\_\_\_-хонадон, уй телефони \_\_\_\_\_,  
хизмат телефони. \_\_\_\_\_

Маълумоти (остига чизилсин): эга эмас, мактабгача, мактабдан ташқари,  
умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар (академик лицей ва касб-хунар  
коллежи), олий (бакалаврият, магистратура), олий ўқув юртдан кейин  
(аспирантура, адъюнктура, докторантура, тадқиқотчи), малака ошириш ва  
кадрларни қайта тайёрлаш.

Асосий касби (мутахассислиги): \_\_\_\_\_

Малакаси (разряди, тоифаси, унвони): \_\_\_\_\_

РЯТД вақтидаги бажараётган иши: \_\_\_\_\_

Ногиронлик гуруҳи (ёзилади) \_\_\_\_\_

Ногиронлик сабаби (ёзилади) \_\_\_\_\_

Ҳаёт фаолиятининг чекланганлиги:  
ўзига-ўзи хизмат кўрсатишга қобилияти  
(1, 2, 3-даража)  
ҳаракатланиш қобилияти (1, 2, 3-даража)  
мўлжал олиш қобилияти 1, 2, 3-даража)  
муомала қилиш қобилияти (1, 2, 3-даража)  
ўқишга қобилияти (1, 2, 3-даража)  
меҳнат фаолиятига қобилияти (1, 2,  
3-даража)  
ўз хулқ-атворини назорат қилиш  
қобилияти (1, 2, 3-даража)  
(керагининг остига чизилсин)

ТМЭК ёки ТМК ташхиси \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
касалликларнинг X қайта кўриқдан  
ўтказиш Халқаро таснифи бўйича  
асосий касаллик коди \_\_\_\_\_  
Йўлдош касалликлар коди \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_



## Тиббий реабилитация ДАСТУРИ

Тадбирлар, хизматлар, техник воситалар	Бажарувчи	Реабилитация қилиш шакли	Бажариш муддатлари
Тиклаш терапияси (ёзилади):			
Реконструктив жарроҳлик (ёзилади):			
Протез-ортопедик ёрдам (ёзилади):			
Санаторий-курортда даволаш (соҳаси кўрсатилади):			
Тиббий реабилитациянинг техник воситалари (ёзилади):			

Тиббий реабилитация дастурига розиман

\_\_\_\_\_ (Ногироннинг (ёки унинг қонуний вакили) имзоси)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (ТМЭК (ТМК) раҳбарининг имзоси)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

М.Ў.

### Ногиронни тиббий реабилитация дастурининг бажарилиши тўғрисида МАЪЛУМОТЛАР

1. Даволаш-профилактика муассасасининг, ногиронларни реабилитация қилиш марказининг номи \_\_\_\_\_

2. РЯТД доирасида ногиронга кўрсатилган тиббий реабилитация қилиш бўйича тадбирлар ва хизматлар \_\_\_\_\_

3. РЯТД доирасида ногиронга берилган тиббий реабилитация қилиш техник воситалари \_\_\_\_\_

4. Ногиронни тиббий реабилитация қилиш бўйича бажарилмаган тадбирлар ва хизматлар рўйхати ҳамда бажарилмаганлик сабаби \_\_\_\_\_

5. Ногиронни тиббий реабилитация қилиш дастурини бажаришнинг натижалари ва самарадорлиги \_\_\_\_\_

Даволовчи врач \_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

М.Ў.

ТМЭК (ТМК) раиси \_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

### Касбий реабилитация ДАСТУРИ

Тадбирлар, хизматлар, техник воситалар	Бажарувчи	Реабилитация қилиш шакли	Бажариш муддатлари
Касбий (меҳнатга) йўналтириш (остига чизилсин): — касбий фаолият тўғрисида ахборот бериш; — касбий фаолият масалалари юзасидан маслаҳат бериш; — касбий фаолият билан шуғулланишга қобилият юзасидан танлаб олиш; — бўш турган (қулай) касб учун танлаш.			
Касбга ўқитиш, қайта ўқитиш, даражаси (остига чизилсин): — умумий ўрта; — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими; — олий; — олий ўқув юртидан кейинги ўқиш; — кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.			
Ишга жойлаштиришга кўмаклашиш (остига чизилсин): — ногиронларни оқилона ишга жойлаштириш учун умумий ёки ихтисослашган турдаги корхонада (муассасада) иш ўрнини қидириш ва танлаш; — ногирон учун махсус иш ўрни яратиш; — ногиронни махсус дастурлар бўйича ишга жойлаштиришни ташкил қилиш; — тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда кўмаклашиш.			
Касб-ишлаб чиқариш бўйича мослаштириш			
Ўқиш ёки меҳнат учун махсус мосламалар (реабилитация қилишнинг техник воситалари) (ёзилади):			

Касбий реабилитация дастурига розиман

\_\_\_\_\_

(Ногироннинг (ёки унинг қонуний вакили) имзоси)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_

(ТМЭК (ТМК) раҳбарининг имзоси)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

М.Ў.

**Ногиронни касбий реабилитация қилиш дастурининг  
бажарилиши тўғрисида  
МАЪЛУМОТЛАР**

(иш берувчи томонидан тўлдирилади)

1. Корхона (муассаса, ташкилот)нинг номи \_\_\_\_\_

2. Ишга жойлаштирилган, ишга қабул қилинган санаси: 20\_\_ йил «\_\_»  
\_\_\_\_\_дан, қандай касб (мутахассислик) бўйича \_\_\_\_\_

иш ўрни (остига чизилсин): умумий, махсус, уйда;  
реабилитация техник воситалари берилган: ҳа, йўқ (остига чизилсин),  
нималар \_\_\_\_\_

3. Иш жойида ўқитилган: ҳа, йўқ (остига чизилсин), қандай касб (му-  
тахассислик) бўйича \_\_\_\_\_

4. Ногиронни касб бўйича реабилитация қилишда бажарилмаган тадбир-  
лар ва хизматлар рўйхати ҳамда уларнинг бажарилмаганлик сабаби

Корхона (ташкилот) раҳбари \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)

М.Ў.

**Ногиронни касбий реабилитация қилиш дастурининг  
бажарилиши тўғрисида  
МАЪЛУМОТЛАР**

(бандлик хизмати тўлдиради)

1. Бандликка кўмаклашувчи ҳудудий марказининг номи \_\_\_\_\_

2. Ишсиз деб эътироф этилган: ҳа, йўқ (остига чизилсин), агар «ҳа»  
бўлса қандай муддатгача: 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_дан 20\_\_ йил  
«\_\_» \_\_\_\_\_гача

3. Касбга йўналтириш ўтказилган: ҳа, йўқ (остига чизилсин); ўқитиш,  
ишга жойлаштириш учун танланган касб (мутахассислик), (остига чизил-  
син) \_\_\_\_\_

4. Бандлик хизмати ишга жойлаштирилган: ҳа, йўқ (остига чизилсин), агар  
«ҳа» бўлса ишга жойлаштирилган санаси: 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
иш жойи \_\_\_\_\_  
касб (лавозим) номи \_\_\_\_\_  
ишга ўзи жойлашган \_\_\_\_\_

5. Бандликка кўмаклашувчи марказ томонидан курс бўйича ўқитилмоқ-  
да (ўқитилган): \_\_\_\_\_

Санаси: 20\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ дан 20\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ гача  
касб (мутахассислик) бўйича \_\_\_\_\_

6. Янги мутахассислик бўйича ишга жойлаштирилган: ҳа, йўқ (остига чизилсин)

Ишга жойлашган санаси: 20\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

7. Касбий реабилитация дастури доирасида бажарилмаган тадбирлар ва хизматлар ҳамда уларнинг бажарилмаганлик сабаби \_\_\_\_\_

Бандликка кўмаклашувчи ҳудудий

марказининг мутахассиси \_\_\_\_\_

(имзо)

(Ф.И.О.)

Бандликка кўмаклашувчи ҳудудий

марказининг раҳбари \_\_\_\_\_

(имзо)

(Ф.И.О.)

### Ижтимоий реабилитация ДАСТУРИ

Тадбирлар, хизматлар, техник воситалар	Бажарувчи	Реабилитация шакли	Бажариш муддатлари
Ногиронни ва унинг оиласини реабилитация қилиш масалалари бўйича хабардор қилиш ва уларга маслаҳат бериш			
Ногиронни ва унинг оиласини мослашишга ўқитиш			
Ўзига-ўзи хизмат кўрсатишга, ҳаракатланишга, мўлжал олишга, муомала қилишга ўз хулқ-атворини назорат қилишга ўқитиш (остига чизилсин)			
Психологик реабилитация (остига чизилсин): психологик диагностика, психологик коррекция, психотерапия, психоанализ, психопрофилактика, оилага психологик ёрдам кўрсатиш			
Ижтимоий-маданий реабилитация (ёзилади):			
Жисмоний тарбия ва спорт воситалари билан реабилитация қилиш (ёзилади):			
Ногиронга ва унинг оиласига юридик маслаҳатлар бериш			

Ижтимоий реабилитация дастурига розиман

\_\_\_\_\_ (Ногироннинг (ёки унинг қонуний вакили) имзоси)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (ТМЭК (ТМК) раҳбарининг имзоси)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

М.Ў.

**Ногиронни ижтимоий реабилитация қилиш дастурининг  
бажарилиши тўғрисида  
МАЪЛУМОТЛАР**

(реабилитация муассасаси томонидан тўлдирилади)

1. Корхона (муассаса, ташкилот)нинг номи \_\_\_\_\_

2. РЯТД доирасида ногиронга кўрсатилган ижтимоий реабилитация тадбирлари ва хизматлари \_\_\_\_\_

3. Ижтимоий реабилитация бўйича бажарилмаган тадбирлар ва хизматлар рўйхати ҳамда уларнинг бажарилмаганлик сабаби \_\_\_\_\_

4. Ногиронни ижтимоий реабилитация қилиш дастурини бажаришнинг натижалари ва самарадорлиги \_\_\_\_\_

Реабилитация бўйича  
мутахассис

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

Реабилитация муассасасининг  
раҳбари

(имзо)

(Ф.И.О.)

РЯТД мазмуни билан танишдим

\_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) 20\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

(Ногироннинг (ёки унинг қонуний вакили) имзоси)

(ТМЭК (ТМК) раҳбарининг имзоси)

(Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

**Реабилитация қилиш якка тартибдаги дастурининг  
бажарилиши тўғрисида  
ХУЛОСА**

(РЯТДни бажариш муддати тугагандан кейин тўлдирилади)

**Тиббий реабилитация натижаларини баҳолаш:**

Компенсация қилишга эришилди: қисман, тўлиқ компенсация; бузилган функцияларни тиклаш (тўлиқ, қисман, ижобий натижалар йўқ) (керагининг остига чизилсин).

**Ижтимоий реабилитация натижаларини баҳолаш:**

Ўзига-ўзи хизмат кўрсатишни таъминлаш (тўлик, қисман), мустақил равишда яшаш, оилага ва жамиятга интеграциялаш, ижобий натижалар йўқ (керагининг остига чизилсин).

**Касбий реабилитация натижаларини баҳолаш:**

Янги касбга эга бўлиш (ўқитиш, қайта ўқитиш), малака ошириш, иш ўрнига эга бўлиш (тўлик, нотўлик бандлик), меҳнат бозорида рақобатбардошлиликни ошириш, ижобий натижалар йўқ (керагининг остига чизилсин).

**РЯТДни амалга ошириш тўғрисидаги алоҳида баҳолар****«Тасдиқлайман»**

**ТМЭК (ТМК) раиси** \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
М.Ў. (имзо, Ф.И.О.)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ****141 Болалар спортини ривожлантириш соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Васийлик кенгаши мажлисининг 2009 йил 19 январдаги 1-76-сон баённомаси 4-бандини бажариш юзасидан, болалар спортини ривожлантириш соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш, болалар спорт иншоотларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, сақлаш ва спорт базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қуйидагилар Болалар спортини ривожлантириш бошқармасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жисмоний тарбия бўйича мактабгача, ўрта умумий ва мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирилган ягона давлат сиёса-

тини амалга оширишда қатнашиш, ўсиб келаётган авлодни жисмоний маданият ва спорт билан шуғулланишга оммавий жалб қилиш, таълим муассасаларида болалар спортини ривожлантиришга, уларнинг спорт базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

янгидан ишга туширилган болалар спорти объектлари экспертизадан ўтказиш асосида, халқаро стандартлардан келиб чиқиб спорт заллари, спорт комплекслари ва бошқа спорт иншоотлари учун ишлаб чиқиладиган ва жорий этиладиган янги талаблар ва меъёрларни ҳисобга олган ҳолда халқ таълими муассасалари балансига қабул қилиб олиншини таъминлаш;

болалар спорти объектларини нормативларга мувофиқ асбоб-ускуналар ва инвентарь билан жиҳозлашни молиялаштириш бўйича ҳисоб-китоблар, таклифлар ва буюртманомаларни тайёрлаш;

спорт иншоотлари, инвентарь ва асбоб-ускуналардан меъёрлар ва бинолардан фойдаланиш муддатларига мувофиқ, шунингдек фойдаланиладиган спорт асбоб-ускуналари ва инвентарнинг ҳар бир туридан самарали ва мақсадли фойдаланилиши устидан мониторинг олиб борилишини таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги марказий аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган умумий сони 69 нафар бўлган, шу жумладан Халқ таълими вазирлигининг республика муассасалари бошқарув ходимлари сонини қисқартириш ҳисобига Болалар спортини ривожлантириш бошқармасида 5 бирлик бўлган тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бир ой муддатда:

Болалар спортини ривожлантириш бошқармасини зарур касб кўникмалари ва тажрибага эга бўлган юқори малакали кадрлар билан бутласин;

Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Белгилансинки, Болалар спортини ривожлантириш бошқармасининг таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг умумий харажатлари доирасида амалга оширилади.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436-сон қарори)» 2006 йил 2 октябрдаги 207-сон қарори 2-бандининг тўртинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 10-сон, 73-модда) ва қарорга 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжат-

ларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 19 март,  
76-сон



## Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги марказий апаратининг ТУЗИЛМАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**142** **Вазирлар Маҳкамасининг «2005 — 2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида» 2004 йил 22 ноябрдаги 548-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган ўқув адабиётлари ва ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлаш, нашр этиш ва таълим муассасаларини улар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «2005 — 2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида» 2004 йил 22 ноябрдаги 548-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 11-сон, 107-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар харид қилиш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 19 март,  
77-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 19 мартдаги 77-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «2005 — 2009 йилларда  
умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик  
қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида» 2004 йил  
22 ноябрдаги 548-сон қарорига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Белгилаб қўйилсинки:

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари учун янги дарсликлар ва ўқув-методик комплекслар яратиш, уларни нашр этишга ҳамда қайта нашр этишга давлат буюртмасини жойлаштириш тендер (танлов) асосида амалга оширилади;

умумий ўрта таълим таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни харид қилиш ва етказиб бериш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармасидан маблағлар ажратиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан, академик лицейлар учун — Республика бюджети маблағлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан, касб-хунар коллежлари учун эса — маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади».

2. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни нашр этиш юзасидан тендер савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда (5-илова):

а) 1-банддаги «нашр этиш» сўзларидан кейин «ва қайта нашр этиш» сўзлари қўшилсин;

б) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Мазкур Низомнинг амал қилиши умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни кейинги ўринларда ўқув адабиётлари деб аталади) нашр этишда ва қайта нашр этишда тендер савдолари ўтказишга татбиқ этилади.

Дарсликлар, қўшимча, ўқув, методик ва маълумотнома адабиётлар ва иш дафтарларига ўқув адабиётлари сифатида қаралади».

в) 3-банднинг биринчи хатбошидаги ва 4-банддаги «нашр этишда» сўзларидан кейин «ва қайта нашр этишда» сўзлари қўшилсин;

г) 5-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Нашр этиш ва қайта нашр этиш учун тендер савдолари фақат улар бўйича Ҳукумат комиссиясининг қарори ва ҳуқуқ эгаларининг (муаллифлар ва муаллифлар жамоаларининг, шунингдек ўқув адабиётларининг ори-

гинал-макети учун ҳуқуқларга эга бўлган нашриётларнинг) розилиги мавжуд бўлган ўқув адабиётларига эълон қилиниши мумкин»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Тендер савдолари ғолиби бўлган муаллифга мукофот тўлаш ва ўқув адабиётининг оригинал-макетини тайёрлаш учун тасдиқланган харажатларни нашриётга тўлаш Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда белгиланган тартибда амалга оширилади»;

д) 6-бандда:

учинчи хатбошидаги «нашр этиш» сўзларидан кейин «ва қайта нашр этиш» сўзлари қўшилсин;

тўртинчи хатбошидаги «нашр этишга» сўзларидан кейин «ва қайта нашр этишга» сўзлари қўшилсин;

е) 8-банддаги ва 11-банднинг биринчи хатбошидаги «нашр этишга» сўзларидан кейин «ва қайта нашр этишга» сўзлари қўшилсин;

ж) 14-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Тендер таклифларини экспертизадан ўтказиш ва баҳолашни ташкил этиш учун тендер комиссияси томонидан техник ва тижорат баҳоси бўйича баҳолаш гуруҳлари тайинланади.

Техник баҳо бўйича баҳолаш гуруҳи тендер комиссияси аъзоларидан ёки мустақил маслаҳатчилар орасидан, ўқув адабиётлари яратиш ва чиқариш ҳамда китоб нашр этиш технологияси соҳасида ваколатли бўлган камида беш нафар мутахассисдан иборат таркибда тузилади.

Тижорат баҳоси бўйича баҳолаш гуруҳи тендер комиссияси аъзолари ёки мустақил маслаҳатчилар орасидан, банк-молия, юридик ва бошқа соҳаларда ваколатли бўлган камида беш нафар мутахассисдан, шунингдек буюртмачининг вакилларида иборат таркибда тузилади»;

з) 18-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Илгари тузилган контрактлар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган оферентлар тўғрисидаги ахборот»;

и) 23-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«давлат буюртмасининг бутун ҳажмини бажариш учун зарур бўлган ўзининг ёхуд шартнома асосида фойдаланаётган ишлаб чиқариш базасининг, меҳнат ресурсларининг ва малакали мутахассисларнинг мавжудлиги»;

бешинчи хатбошидаги «нашр этиш» сўзларидан кейин «ва қайта нашр этиш» сўзлари қўшилсин;

еттинчи хатбошидаги «нашр этишнинг» сўзларидан кейин «ва қайта нашр этишнинг» сўзлари қўшилсин;

к) 25-банднинг олтинчи хатбошидаги ва 27-банднинг биринчи хатбошидаги «нашр этиш» сўзларидан кейин «ва қайта нашр этиш» сўзлари қўшилсин;

л) 33-банднинг тўртинчи хатбошидаги «нашр этиш» сўзларидан кейин «ва қайта нашр этиш» сўзлари қўшилсин;

м) 35-банднинг учинчи хатбошидаги «нашр этиш» сўзларидан кейин «ва қайта нашр этиш» сўзлари қўшилсин;

н) 36-банддаги «нашр этиш» сўзларидан кейин «ва қайта нашр этиш» сўзлари қўшилсин;

о) 45-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«45. Техник таклифлар ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш учун техник баҳо бўйича баҳолаш гуруҳига берилади. Таклифларни баҳолашда қатнашчининг малакаси, ўқув адабиётлари намуналари параметрларининг белгиланган санитария қоида ва нормаларига, давлат стандартларига, шунингдек техник талабларга ва буюртмачи томонидан белгиланган спецификацияга мувофиқлиги мажбурий тартибда ҳисобга олинади»;

п) 52-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«52. Тижорат баҳоси бўйича баҳолаш гуруҳи оферентларнинг тендер таклифини ўрганади ва ўқув адабиётларига таклиф этилаётган қийматни (нархни) ҳамда чегиришлар миқдорларини, оферентларнинг кафолатли мажбуриятлари шартларини ва молия-иқтисодий кўрсаткичларини кўриб чиқади»;

р) Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни нашр этиш юзасидан тендер савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловада:

илова номидаги «нашр этиш» сўзларидан кейин «ва қайта нашр этиш» сўзлари қўшилсин;

биринчи босқичда:

«Тадбирлар» устунидаги 1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ўқув адабиётларини нашр этиш ва қайта нашр этишни молиялаштириш манбалари ва ҳажмларини аниқлаш»;

«Бажариш муддатлари» устуни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ҳукумат комиссияси томонидан қарор қабул қилингандан кейин бир ой муддатда»;

бешинчи босқичнинг «Тадбирлар» устуни 4-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Техник ва тижорат баҳоси бўйича баҳолаш гуруҳларини ташкил этиш»;

олтинчи босқичнинг «Субъектлар» устуни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Техник баҳо бўйича баҳолаш гуруҳи»;

саққизинчи босқичнинг «Субъектлар» устуни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тижорат нархи бўйича баҳолаш гуруҳи»;

ўн биринчи босқичнинг «Тадбирлар» устунидаги «нашр этиш» сўзларидан кейин «ва қайта нашр этиш» сўзлари қўшилсин;

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ BAZИPЛAP MAХҚAMACИНИНГ  
ҚАРОРИ**143 2009 — 2015-йиллар даврида республикада иссиқлик таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепциясини ҳамда иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида****[Кўчирма]**

Уй-жой-коммунал соҳада иқтисодий ислохотларни изчил амалга ошириш, асосий фондларни янгилаш ва модернизация қилиш, замонавий тежамли ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш, молиявий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш, шунингдек кўрсатилаётган коммунал хизматларнинг сифати учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва иссиқлик билан таъминлайдиган корхоналарнинг масъулиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ–4058-сон Фармони билан тасдиқланган Иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури доирасида мутахассисларни жалб этган ҳолда республика минтақаларида иссиқлик таъминоти соҳасидаги ишларнинг аҳволи ўрганиб чиқилганлиги ва иссиқлик таъминоти тизимининг ҳолатини яхшилашга доир аниқ таклифлар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари шу жумладан:

истеъмолчиларни хатловдан ўтказиш ва кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини автоматлаштирилган ҳисобга олишни жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ–4058-сон Фармонида мувофиқ кўрсатилаётган хизматлар таннархини пайсантириш;

ноишлаб чиқариш харажатларига ва нормативдан ортиқча йўқотишларга йўл қўймаслик ҳисобига иссиқлик таъминоти корхоналарининг иш самардорлигини оширишга йўналтирилган комплекс тадбирлар амалга оширилишини таъминласинлар.

3. 2009 — 2015 йиллар даврида республикада иссиқлик таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепциясини ҳамда иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

---

\* 1-илова берилмайди.

Ишчи гуруҳ (Н. Ханов):

Концепциянинг мақсадлари, вазифалари, муаммоларини ҳал этиш йўлларини ва уни амалга ошириш босқичларини назарда тутадиган 2009 — 2015 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепцияси лойиҳасини;

2009 — 2015 йиллар даврида республика минтақаларида иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастури лойиҳасини 2009 йил 1 августгача ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин, Дастурда молиялаштириш манбаларини аниқлаган ҳолда:

иссиқлик билан таъминлайдиган корхоналарнинг техник ҳолатини (буғ қозони ускунаси, магистрал ва тақсимловчи иссиқлик тармоқлари), кўп квартирали уйларни (уй ичидаги асбоб-ускуна, тик қувурлар, элеваторлар, уйлар томига ёпилган материалларнинг эскирганлиги даражаси ва иссиқлик нобудгарчилиги даражаси), шунингдек турар жой фонди иссиқ сув ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбоблари билан жиҳозланганлигини хатловдан ўтказиш;

қуйидагилар:

буғ қозонларини модернизация қилиш, мукамал таъмирлашни, иссиқлик тармоқларини реконструкция қилиш ва тиклаш;

эскирган магистрал ва тақсимловчи иссиқлик тармоқларини алмаштириш ва мукамал таъмирлаш, ёқилгининг муқобил турларини қўллаган ҳолда иситиш ва иссиқ сув таъминотининг маҳаллий (автоном) ва ёпиқ тизимларига босқичма-босқич ўтказиш, маънавий эскирган тежамсиз буғ қозони агрегатларини алмаштириш;

йирик иссиқлик манбаларида газ-турбина технологияларини қўллаган ҳолда электр ва иссиқлик энергиясини комбинацияланган ҳолда ишлаб чиқариш қурилмаларини жорий этиш;

энергия ресурсларининг ишлаб чиқариш ва молиявий ҳисобини такомиллаштириш, абонентларни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини фаол жорий этиш, иссиқлик таъминотининг кўрсатилган хизматлари учун ҳақ тўлаш, истеъмолчилар ва энергия ресурсларини етказиб берувчиларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилган хатлов натижалари асосида ҳар бир минтақа бўйича Иссиқлик таъминотини ривожлантиришнинг бош схемасини ишлаб чиқиш тадбирлари назарда тутилсин.

б. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 19 март,  
78-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**144** **Осиё тараққиёт банки иштирокида «Сурхондарё вилоятининг сув таъминоти ва санитарияси» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Сурхондарё вилоятининг аҳолиси ва хўжалик юритувчи субъектларини сифатли ичимлик сув билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

## 1. Қўйидагилар:

Осиё тараққиёт банкининг Директорлар кенгаши «Сурхондарё вилоятининг сув таъминоти ва санитарияси» лойиҳасини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасига Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли ресурсларидан эквивалентда 30,0 млн АҚШ доллари миқдоридан 19,36 млн суммада қарз олишнинг махсус ҳуқуқларидан саккиз йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган 32 йилда қайтариш муддати билан қарз, шунингдек 1,5 млн АҚШ доллари суммасида грант берилишини маъқуллаганлиги;

кўрсатиб ўтилган лойиҳани амалга оширишга Ўзбекистон Республикаси улуши эквивалентда 8,5 млн АҚШ долларини, шу жумладан солиқлар, божхона тўловлари, мажбурий ажратмалар ва йиғимлардан озод қилиш шаклида эквивалентда 5,77 млн АҚШ долларини ташкил этиши;

лойиҳани амалга ошириш даври 2009 — 2014 йиллар этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

## 2. Белгилансинки:

Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги лойиҳа амалга оширилиши, қарз ва грант маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши учун масъул бўлган ижро этувчи орган ҳисобланади;

инвестиция даврида (2009 — 2014 йиллар) қарз бўйича фоизларни тўлаш Осиё тараққиёт банкининг қарз маблағлари ҳисобига қопланади;

инвестиция давридан кейин (2014 йилнинг II чорагидан бошлаб) қарзни қайтариш ва фоизлар тўлаш билан боғлиқ харажатлар Сурхондарё вилоятининг «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси маблағлари ҳисобига, етишмайдиган қисми эса — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақдимномасига кўра Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ажратиладиган республика бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

## 3. Қўйидагилар:

«Сурхондарё вилоятининг сув таъминоти ва санитарияси» лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланиши асосий техник-иқтисодий параметрлар билан биргаликда 1-илова\*га мувофиқ;

«Сурхондарё вилоятининг сув таъминоти ва санитарияси» лойиҳасини молиялаштириш режаси 2-иловага\* мувофиқ;

«Сурхондарё вилоятининг сув таъминоти ва санитарияси» лойиҳаси

---

\* 1-2-иловалар берилмайди.



бўйича Осиё тараққиёт банкининг қарзини қайтариш ва фоизлар тўлаш жадвали 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига Осиё тараққиёт банки билан қарз ва грант битимини Ўзбекистон Республикаси номидан, шунингдек Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги билан қайта кредитлаш тўғрисидаги битимни имзолаш;

Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директорига Осиё тараққиёт банки билан лойиҳа битимини имзолаш, шунингдек Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан субқарз битимини имзолаш ваколоти берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси билан Осиё тараққиёт банки ўртасидаги қарз ва грант битимлари бўйича, шунингдек Ўзбекистон Республикаси билан Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ўртасида қайта кредитлаш тўғрисидаги битим бўйича белгиланган тартибда юридик хулосани берсин.

5. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигига ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигига:

лойиҳа бўйича тендер ҳужжатларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда Осиё тараққиёт банки қарзига хизмат кўрсатиш ва уни қайтариш учун маблағларни жамлаш тартиби ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши;

Сурхондарё вилоятининг «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан субқарз битими шартларига мувофиқ асосий қарзни қайтариш ва Осиё тараққиёт банкининг қарзи бўйича фоизлар тўлашга зарур маблағлар ўз вақтида жамланишини назорат қилиш учун жавобгарлик юклансин.

6. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги:

кўрсатиб ўтилган лойиҳани амалга оширишга йўналтириладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин;

Агентлик ҳузурида фаолият кўрсатаётган Осиё тараққиёт банки лойиҳаларини бошқариш гуруҳига унинг ходимлари сонини тегишли равишда 4 нафарга кўпайтирган ҳолда кўрсатиб ўтилган лойиҳани бошқариш функциясини юкласин;

қарз битими шартларига мувофиқ бир ой муддатда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда лойиҳанинг инвестиция даврида (2014 йил 1 апрелгача) Термиз шаҳрида штат жадвалини ва йиллик молиялаштириш сметаларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан мажбурий келишган ҳолда 4 нафардан иборат лойиҳани амалга ошириш гуруҳини ташкил этсин;

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда минтақалараро Хўжаипок водопроводидан фойдаланиш бошқармасини сув таъминоти тизимини

---

\* 3-илова берилмайди.

бошқаришнинг ягона органини ташкил этиш мақсадида баланс топширишнинг охирги санасидаги ҳолати бўйича Сурхондарё вилоятининг «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси балансига берсин.

7. «Сурхондарё вилоятининг сув таъминоти ва санитарияси» лойиҳасини амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш учун 4-иловага\* мувофиқ таркибда Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилсин.

Мувофиқлаштирувчи кенгашга (Н. Ханов):

кўрсатиб ўтилган лойиҳани ўз вақтида ва самарали амалга ошириш устидан умумий мувофиқлаштиришни амалга ошириш ва мониторинг олиб бориш;

лойиҳани амалга ошириш доирасида товарлар, ишлар (хизматлар) хариди бўйича тендер комиссиялари таркибларини тасдиқлаш юклансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги 2010 йилдан бошлаб йиллик инвестиция дастурларини шакллантиришда кўрсатиб ўтилган лойиҳани амалга оширишга Ўзбекистон Республикаси улушини молиялаштиришни назарда тутсинлар.

9. Осиё тараққиёт банкнинг қарз маблағлари ҳисобига сотиб олинadиган товарлар (ишлар, хизматлар) инвестиция даври мобайнида (2009 — 2014 йиллар) божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно), қўшилган қиймат солиғи, давлат мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар тўлашдан озод қилинсин.

Кўрсатиб ўтилган имтиёзлар берилиши натижасида бўшаб қоладиган маблағлар суммаси Ўзбекистон Республикасининг лойиҳани амалга оширишга улуши ҳисобланиши белгилансин.

Кўрсатиб ўтилган имтиёзлар кўрсатилган лойиҳани амалга ошириш учун ажратилadиган Ўзбекистон Республикаси маблағлари ҳисобига сотиб олинadиган товарларга (ишларга, хизматларга) татбиқ этилсин, ягона ижтимоий тўлов ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар бундан мустасно.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг буюртманомалари бўйича 2015 йилгача бўлган даврда лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган хорижий мутахассисларга консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимлар ундирмасдан белгиланган тартибда кириш визалари расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг буюртманомалари бўйича лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган хорижий мутахассисларга, уларни давлат божлари тўлашдан озод қилган ҳолда кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек улар вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш узайтирилишини таъминласин.

---

\* 4-илова берилмайди.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 20 март,  
79-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**

**145 2009 — 2013 йилларда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш дастури тўғрисида**

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини белгиланган стандартларга ва замонавий талабларга жавоб берадиган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг янги авлоди билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 341-сон қарори талабларига мувофиқ 2001 — 2008 йиллар даврида:

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун тиражи 5,1 млн. нусхадан ортиқ 984 номдаги дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг янги авлодини тайёрлаш ва нашр этиш;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг 1331 ахборот-ресурс марказларини нашр этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш;

муаллифларни энг малакали олимлар, ўқитувчилар ва мутахассислар орасидан танлов асосида танлаб олиш тизимини жорий этиш, шунингдек дарсликлар ва ўқув қўлланмалари қўлёзмаларини мустақил экспертизадан ўтказишни ташкил қилиш;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг 68 мутахассислиги учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш ва нашр этишга Германия тараққиёт банки, Осие тараққиёт банки ва Швейцария конфедерацияси Ҳукуматининг грантларини жалб қилиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан ишлаб чиқилган 2009 — 2013 йилларда ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш дастури 1 ва 2-иловаларга\* мувофиқ маъқуллансин.

3. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун умумтаълим фанлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини 5 йилда бир марта, касб-хунар фанлари бўйича эса — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази таклифи бўйича янгилаш (нусхасини кўпайтириш) даврийлиги белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2009 — 2013 йилларда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этишнинг 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқланган прогноз кўрсаткичларидан келиб чиқиб ҳар йили 1 декабргача келгуси йилда нашр этиш мўлжалланган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг аниқ рўйхати ва тиражини аниқлашни ва тасдиқлашни, ўқитиш тиллари бўйича ўқувчилар сони ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг параметрларига тузатиш киритилишини (зарурият бўлганда);

ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартлари ҳамда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларига қўйиладиган талаблар асосида 1 ва 2-иловаларда назарда тутилган муддатларда дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилиши ва нашр этилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази:

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалари қўлёзмаларининг дастлабки экспертизасига олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари, илмий ва жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналарининг энг тажрибали мутахассислари ва педагоглари кенг жалб қилинишини таъминласин;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитиш тиллари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминланганлигининг доимий асосда мониторингини олиб борсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда зарур дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш учун грант ва кредит маблағлари, шу жумладан халқаро молиявий институтлар ҳисобига грант ва кредит маблағлари жалб этиш ишларини ташкил этсин;

икки йил мобайнида республиканинг бир қанча академик лицейлари ва касб-хунар коллежларида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини ижара асосида дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш тизимини жорий этиш бўйича эксперимент ўтказсин.

6. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан шакллантириладиган прог-

---

\* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

ноз квоталар асосида ҳар йил 1 августгача зарур номдаги ва ҳажмдаги дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини, уларни чакана савдо тармоғи орқали эркин сотишни ҳисобга олган ҳолда босиб чиқариш учун ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг кутубхона фондини ўқитиш тиллари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан 15 фоизга тўлдириш учун маблағларни назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг нархи сунъий равишда оширилишига йўл қўйилмаслиги устидан мунтазам қатъий назорат ўрнатсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 20 март,  
80-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 20 мартдаги 80-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 341-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2002 йил 28 августдаги 305-сон қарорининг 7-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 49-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 12 августдаги 196-сон қарорига 2-илованинг 17-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 8-сон, 43-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**146 «Тараққиёт йўлида озиқ-овқатлар билан таъминлаш»  
дастури доирасида қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни  
сақлаш соҳасидаги устувор лойиҳаларни молиялаштириш  
тўғрисида**

Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасидаги «Тараққиёт йўлида озиқ-овқатлар билан таъминлаш» дастури бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бериш тўғрисидаги Битим доирасида Ўзбекистон Республикасига берилган грантдан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан «Тараққиёт йўлида озиқ-овқатлар билан таъминлаш» дастури доирасида 2005 — 2008 йиллар даврида:

«Наманган вилоятида Резаксой сув омбори қурилиши»;

«Авиация ва коинот орқали қишлоқ хўжалиги мониторинги олиб борилишини ташкил этиш»;

«Фарғона вилояти Фуркат тумани «Сурпа» посёлкасини сув билан таъминлаш»;

«Сирдарё вилояти Сардоба тумани сув таъминоти тизимини реконструкция қилиш»;

«Шовот» каналида сув сатҳини барқарорлаштириш бўйича химоя-тартибга солиш ишлари»;

«Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича оилавий тадбиркорликни микрокредитлаш»;

«Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати устидан назоратни кучайтириш, ҳайвонларнинг алоҳида хавфли юқумли касалликларининг ўз вақтида диагностикасини такомиллаштириш соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш»;

«2-сон Болалар уйини таъмирлаш ва жиҳозларини алмаштириш»;

«Қорақалпоғистон Республикасида Бўстон каналини қуриш» лойиҳалари амалга оширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Юқорида кўрсатилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 6991,7 млн. сўм маблағ молиялаштирилган.

2. Ҳукуматлараро битимга мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон-Америка қўшма ишчи гуруҳининг «Тараққиёт йўлида озиқ-овқатлар билан таъминлаш» дастури доирасида грант маблағлари ҳисобига иловага мувофиқ қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги устувор лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда бошқа масъул бажарувчилар:

бир ой муддатда бюджет таркиблари бўйича иқтисодий асослаш ҳисоб-

китобларини ишлаб чиқсинлар ҳамда лойиҳаларни молиялаштиришнинг йил ва чоракларга бўлинган жадвалларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишиб олсинлар;

маблағлардан самарали фойдаланилишини таъминласинлар ва лойиҳаларни амалга оширишнинг бориши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига ҳар чоракда ахборот берсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги масъул бажарувчилар билан биргаликда иловага киритилган капитал қурилиш объектларини белгиланган тартибда 2009 йилнинг манзилли рўйхатига киритсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

иловага киритилган лойиҳаларнинг «Тараққиёт йўлида озиқ-овқатлар билан таъминлаш» дастури бўйича тушадиган маблағларни жамлаш учун очилган Молия вазирлигининг махсус ҳисоб рақамидан ўз вақтида молиялаштирилишини таъминласин;

маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан мониторинг олиб борсин, улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳоллари аниқланган тақдирда эса — лойиҳаларни молиялаштиришни тўхтатиб қўйсин ва молиялаштиришни тиклаш тўғрисидаги масалани Ўзбекистон-Америка қўшма ишчи гуруҳи мажлисига киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 24 март,  
85-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2009 йил 24 мартдаги 85-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Тараққиёт йўлида озиқ-овқатлар билан таъминлаш» дастури доирасида  
молиялаштирилаётган лойиҳалар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Лойиҳанинг номи	Лойиҳанинг мақсади	Молиялаштириш суммаси (млн. сўм)	Маблағларни ўзлаштириш муддатлари	Масъул бажарувчилар
<b>I. Илмий лойиҳалар</b>					
1.	Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан тендер асосида «бракон» ишлаб чиқариш бўйича 3 та линия тайёрлаш.	Пахта ҳосилини сақлаш ҳамда пестицидлар қўлланишини камайтириш мақсадида республиканинг турлича иқлимли минтақаларида механизациялаштирилган линияда «бракон» ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини жорий этиш.	300,0	2009 йил	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрохимё республика маркази
2.	Ўзани турлараро ва узоқ гибридларга қайта чагиштириш усули билан унинг серҳосил вилтга чидамли навларини яратиш.	Ўзбекистон Республикасининг турлича тупроқ-иқлимли минтақаларидан олинган ўзанинг коллекцияланган нав намуналари, навлари, ҳар хил туп тизимли линия ва шакллари билан вилтга чидамлилигига вертицидум замбуругининг ҳар хил вирулентли турларининг таъсирини, шунингдек табиий юқумли шароитда ўзанинг маҳсулдорлиги, тола чиқиши ва сифати ҳамда бошқа морфоҳўжалик белгиларини ўрганиш.	25,0	2009-2010 йиллар	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон селекция ва уруғчилик илмий-текшириш институти
<b>II. Соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлаш лойиҳалари</b>					
3.	Ўзбекистон Республикасида шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш.	Бахтсиз ҳодисалар, йўл-транспорт ҳодисалари ва ҳалокатлари натижасида жабрланганларга касалхонага боргунга қадар босқичда шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича парамедиклар ва биринчи респондентлар тайёрлаш тизимини яхшилашда қўмаклашиш. Тез ёрдам машиналари сотиб олиш ва уларни зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш.	450,0	2009-2010 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Врачлар халқаро лигаси, Ўзбекистон анестезиологлар ва реаниматологлар уюшмаси
	<b>ЖАМИ</b>		<b>775,0</b>		



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**147** Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига 24-илованинг «Лавозимлар номи» устунидаги «Давлат нотариусининг ўринбосари» ва «Консультант» сўзлари тегишли равишда «Катта давлат нотариусининг ўринбосари» ва «Давлат нотариусининг ёрдамчиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Р.А. Мухитдинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 25 март,  
86-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА  
ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**148** **Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва  
алкоголли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш  
тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар  
киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
20 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 589-4*

*(2009 йил 30 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги ва «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунларининг 6 ва 7-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1998 йил 10 декабрдаги 04-02-05/809, 98-156-сон ва Давлат божхона қўмитасининг 1998 йил 6 декабрдаги 02/8-42-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага (1999 йил 7 январь, рўйхат рақами 589 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 йил, 2-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 13 март,  
33-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2009 йил 13 март,  
2009-15-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2009 йил 13 март,  
01-02/8-6-сон

**С. НОСИРОВ**

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА  
ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**149** Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намуна-  
даги акциз маркаларини жорий этиш тартиби  
тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш  
хақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
20 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1320-2*

*(2009 йил 30 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги ва «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунларининг 6 ва 7-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида»ги 2009 йил 20 февралдаги 49-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 9-сон, 88-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 11 февралдаги 31, 2004-22 ва

03-02/8-14-сон қарори билан тасдиқланган «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида»ги низомга (2004 йил 3 март, рўйхат рақами 1320 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 9-сон, 110-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2009 йил 13 март,  
34-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2009 йил 13 март,  
2009-14-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2009 йил 13 март,  
01-02/8-7-сон

**С. НОСИРОВ**

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ПАТЕНТ  
ИДОРАСИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**150** **Фойдали моделга Ўзбекистон Республикасининг патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1343-1*

*(2009 йил 4 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 30 июлдаги ЎРҚ–164-сонли «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 15 мартдаги 14-сон буйруғи билан тасдиқланган «Фойдали моделга Ўзбекистон Республикасининг патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари»га (2004 йил 29 апрель, рўйхат рақами 1343 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 17-сон, 202-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат патент  
идораси директори**

**Б. АМОНОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 11 март,  
35-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI MOЛИЯ BAZИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**151** **Болаликдан ногиронларга нафақалар тўлаш бўйича  
харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги  
низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1927*

*(2009 йил 6 апрелдан кучга кирази)*

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 6-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 515-модда) мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 февралдаги 02/1-1187-сон топшириғини бажариш мақсадида **буюраман:**

1. Илова қилинаётган Болаликдан ногиронларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин амалга киритилсин.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 24 февраль,  
27-сон

Молия вазирининг  
2009 йил 24 февралдаги 27-сон буйруғи  
билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Болаликдан ногиронларга нафақалар тўлаш бўйича  
харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси)

маси, 2001 й., 1-2-сон, 6-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 515-модда) 22-бандига мувофиқ болаликдан ногиронларга нафақалар (бундан кейинги ўринларда нафақалар деб юритилади) тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартибини белгилайди.

## I. Умумий қоидалар

1. Нафақалар тўлаш бўйича харажатлар 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (бундан кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) орқали республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2. Нафақалар тўлаш учун ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш мақсадида туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари ҳар бир туман (шаҳар)лар бўйича мазкур Низомнинг илова-сига мувофиқ шаклда нафақаларни тўлаш бўйича харажатлар сметасини тузадилар.

3. Республика бюджетидан Жамғарманинг ғазна ҳисобварағига маблағларни ўтказиб бериш тўлов ойининг 15-кунидан кечиктирмаган ҳолда Жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш Бош бошқармаси билан келишилган тайинлаш сертификати асосида амалга оширилади.

4. Нафақаларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар нафақаларни тўлаш бўйича харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Нафақаларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни чекланган миқдори «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан тақдим қилинган кўрсатилган хизматлар учун харажатлар калькуляциясини кўриб чиқиш асосида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аниқланади.

5. Нафақаларни тайинлаш ва тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319-сонли «Болаликдан ногиронларга, қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Болаликдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ амалга оширилади.

## II. Нафақаларни молиялаштириш тартиби

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳар ойда тўлов ойининг 10-санасидан кечикмаган ҳолда Жамғармага нафақаларни тўлаш учун талаб қилинадиган маблағларни ҳар

бир ҳудуд (туман, шаҳар) бўйича ногиронларнинг миқдорини кўрсатган ҳолда тақдим қилади.

7. Жамғарма ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳар тўлов ойнанинг бошида нафақаларни олиш учун тайинлаш сертификатини тайёрлайди ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш Бош бошқармасига келишиш учун тақдим қилади. Бунда, тайинлаш сертификатининг суммасига олдинги ойлarning қарздорлиги ҳам киритилади.

Тайинлаш сертификатига Ғазначилик бўлинмаларида очилган ҳар бир шахсий ҳисобварақлар бўйича нафақа тўлаш учун харажатларнинг ёйилмаси илова қилинади.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш Бош бошқармаси тайинлаш сертификатини кўриб чиқади ва кўриб чиқиш натижаси бўйича келишилади. Тайинлаш сертификатини келишиш нафақа харажатларини молиялаштириш учун режали бюджет ажратмаларининг мавжудлиги бўйича амалга оширилади.

9. Ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш Бош бошқармаси билан келишилган тайинлаш сертификати молиялаштиришни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджети Бош бошқармасига тақдим қилинади.

10. Ғазна ҳисобварағига маблағлар ўтказиб берилгандан кейин ғазначилик бўлинмаларида очилган ҳар бир шахсий ҳисобварақлар бўйича нафақа тўлаш учун харажатларнинг ёйилмаси Ғазначиликка тақдим қилинади.

11. Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари ҳар ойда нафақаларни тўлаш учун тўлов ведомостларини «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ нинг бўлинмалари ва Давлат-тижорат Халқ банки филиаллари (бундан кейинги ўринларда Халқ банки деб юритилади) бўйича тайёрлайди ва ушбу тўлов ведомостлар асосида ғазначилик бўлинмаларига маблағларни Ғазна ҳисобварағидан 22610 «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ таркибий бўлинмалари орқали тўланадиган пенсия ва ижтимоий нафақалар» махсус депозит ҳисобварағига ва Халқ банкининг ҳисобварағига ўтказишга тўлов топшириқнома-ларини тайёрлайди.

12. Нафақаларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Жамғарма ўртасида тузилган шартномага мувофиқ тўланади.

Бунда, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бўлинмаларининг ҳисобварағларига тўғридан-тўғри маблағларни тўлаш туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларининг ғазначиликнинг ҳудудий бўлинмаларида очилган шахсий ҳисобварақларидан туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бўлинмалари ўртасида тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

13. Агар йил мобайнида ногиронлар миқдорининг ўзгариши нафақа тўлаш бўйича харажатлар сметасида кўзда тутилган харажатларнинг ошишига (камайишига) олиб келса, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижти-



мой муҳофаза қилиш вазирлиги Жамғармага харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги хат билан (асосланган ҳисоб-китобларни илова қилган ҳолда) муурожаат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг хатини кўриб чиққандан сўнг Жамғарма белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига нафақаларни тўлаш бўйича харажатлар сметасига ўзгартириш киритиш учун нафақа олувчиларнинг ўзгарган миқдорига зарур бўлган маблағлар ҳисоб-китобларини тақдим қилади. Нафақаларни тўлаш бўйича харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритиш аввало, республика бюджетида нафақаларни тўлаш учун кўзда тутилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

14. Нафақаларни тўлаш бўйича харажатлар сметаси нафақа олувчиларнинг миқдори бўйича маълумотларни илова қилган ҳолда, тегишли туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларининг бош ҳисобчилари ва раҳбарлари томонидан имзоланади.

Белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳар бир туман (шаҳар) бўйича нафақаларни тўлаш бўйича харажатлар сметаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси орқали Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига умумлаштириш ва республика бўйича жамланган харажатлар сметасини тузиш учун тақдим қилинади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тегишли текширишлар ва умумлаштиришлардан сўнг жамланган харажатлар сметасини тузади ва Ўзбекистон Республикаси бўйича туман ва шаҳарларнинг тасдиқланган харажатлар сметалари нусхаларини илова қилган ҳолда тасдиқлаш ва кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига топшириш учун Жамғармага тақдим қилади.

### III. Ҳисоб ва ҳисобот

15. Нафақаларни тўлаш учун республика бюджетидан молиялаштирилиб берилган маблағлар республика бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлар таснифининг тегишли бўлим, боб, параграф ва харажат моддаси бўйича касса ва ҳақиқий харажат сифатида акс эттирилади.

16. Ведомостлар бўйича Халқ банки ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бўлинмаларининг ҳисоб рақамларига ҳисобот даврида ўтказиб берилган маблағлар нафақаларни тўлаш бўйича Жамғарманинг касса харажатлари ҳисобланади.

Агар Халқ банки ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бўлинмаларининг ҳисоб рақамларига ўтказиб берилган маблағлар нафақа олувчиларнинг бошқа яшаш жойига кўчиб кетиши, нотўғри ва ортиқча ўтказиб берилган нафақа суммалари ёки нафақа олувчининг вафоти туфайли олинмаган қолдиқ маблағлар мавжуд бўлса, ушбу маблағлар қолдиғи тўлов ояининг охирига қадар Ғазначиликнинг ҳисобварағига касса харажатларини тиклаш учун қайтарилади.

17. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳар чорақда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Ғазначилиги билан келишилган нафақаларнинг ҳисобланиши ва тўланиши бўйича ҳисоботни туман (шаҳар) ва ойлар бўйича тузиб Жамғармага тақдим қилади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳисоботи кўриб чиқилгандан сўнг, Жамғарма ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-санасига қадар ушбу ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим қилади.

#### **IV. Назорат ва жавобгарлик**

18. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

19. Нафақаларни тўлаш учун ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

#### **V. Яқуний қоида**

20. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири в.б*

**А. ХАИТОВ**

*Тошкент ш.,  
2009 йил 24 февраль*

Болалиқдан ногиронларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

\_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ йилга рўйхатдан  
ўтказилган « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_ -сон  
рўйхатдан ўтказиш карточкаси \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(имзо)  
\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_ минг сўм  
\_\_\_\_\_ миқдорида тасдиқланган  
(суммаси ёзув билан ва сонларда)

Бюджет маблағлари бош тақсимловчиси \_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_ йилга ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ

Ташкилот \_\_\_\_\_  
Тўлиқ манзил \_\_\_\_\_  
Индивидуал (умумий) \_\_\_\_\_  
Бюджет \_\_\_\_\_  
Бўлим \_\_\_\_\_  
Боб \_\_\_\_\_  
Параграф \_\_\_\_\_

Ўлчов бирлиги минг сўм.

Моддалар номи	Харажат тури	Объект	Кичик объект	йил		ташкилот томонидан ҳисобланган	йил													
				киритилган ўзгартиришларнинг ҳисоби билан тасдиқланган	_____ га бажарилган (ҳақиқатда сарфланган)		тасдиқланган													
							ҳаммаси	шў жумладан ойлар бўйича												
<b>Жами:</b>																				

Ташкилот раҳбари \_\_\_\_\_  
(имзо)

Ҳисобчи \_\_\_\_\_  
(имзо)

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ й.

Харажатлар сметасига  
ИЛОВА

**Ўйилма**

минг сўм

Худудлар номи	йил		ҳаммаси	Йилга тасдиқланган																
	кiritилган ўзгaртиришларнинг ҳисоби билан тасдиқланган	__ га бажарилган (ҳақиқатда сарфланган)		шу жумладан ойлар бўйича																

Ташкилот раҳбари \_\_\_\_\_ (имзо)

Ҳисобчи \_\_\_\_\_ (имзо)

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ й.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**152** Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1928*

*(2009 йил 6 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунининг 8<sup>1</sup>-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 48-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (А. Инанбабаев) ҳамда Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармаси (Д. Якубова) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Ушбу буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклатилсин.

**Адлия вазири**

**Р. МУҲИТДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 27 март,  
79-мҲ-сон

Адлия вазирининг  
2009 йил 27 мартдаги 79-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

### **Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»-ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотнома-си, 1997 йил, 2-сон, 48-модда) мувофиқ адвокат стажёрининг (бундан кейинги ўринларда стажёр деб юритилади) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Стажёр томонидан адвокат мақомига эга бўлишга тайёрланиш ва унинг касбий билимларини ҳамда кўникмаларини ҳосил қилиш стажировканинг асосий вазифасидир.

2. Стажировка адвокатлик тузилмасида (адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати, юридик маслаҳатхонаси) ўталади.

3. Олий юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси стажёр бўлиши мумкин.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс стажёр бўлиши мумкин эмас.

4. Стажёрнинг фаолият кўрсатишига раҳбарлик қиладиган адвокат (стажировка раҳбари) камида уч йиллик иш стажига эга бўлиши керак.

#### **II. Стажировка ўталишини расмийлаштириш**

5. Адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс (бундан кейинги ўринларда талабгор деб юритилади) стажировкани қайси адвокатлик тузилмасида ўташ ниятида бўлса, ўша адвокатлик тузилмасига ариза билан мурожаат қилади. Талабгор стажировкани юридик маслаҳатхонада ўташ учун Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасига (бундан кейинги ўринларда ҳудудий бошқарма деб юритилади) ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

талабгор тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган шахсий варақа;

Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг нусхаси;

таржимаи ҳол;

олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

меҳнат дафтарчаси, биринчи марта ишга кираётган талабгорлар бундан мустасно;

ўқиш (аввалги иш) жойидан тавсифнома.

Талабгор томонидан бошқа ҳужжатлар ҳам тақдим этилиши мумкин.

6. Талабгор стажёрликка қабул қилинишидан олдин адвокатлик тузилмасида (худудий бошқармада) суҳбатдан ўтади, бунда талабгор тайёргарлигининг умумий даражаси, уни стажёрликка қабул қилиш тўғрисида ариза беришга ундаган сабаблар аниқланади.

7. Адвокатлик тузилмасининг (худудий бошқармасининг) раҳбари суҳбат натижаларига кўра, талабгорни стажёрликка қабул қилиш ёки қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

8. Стажёрликка қабул қилиш адвокатлик тузилмаси (худудий бошқармаси) раҳбарининг буйруғи билан амалга оширилади, стажировка раҳбари ҳам шу буйруқ билан тайинланади.

9. Стажёрнинг меҳнат шароитлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиладиган меҳнат шартномаси (контракт) билан белгиланади.

10. Меҳнат шартномаси (контракт) билан адвокатлик тузилмасининг (худудий бошқармасининг), стажировка раҳбарининг ҳамда стажёрнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, стажёрнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби, иш режими, меҳнат шартномасининг (контрактнинг) амал қилиш муддати, уни тугатиш шартлари белгиланади, адвокатлик тузилмаси (худудий бошқармаси), стажировка раҳбари ва стажёр ўзаро муносабатларининг бошқа масалалари тартибга солинади.

11. Стажёрнинг асосий иш жойи стажировка ўтаётган адвокатлик тузилмасидир. Стажёрнинг ўриндошлик асосида ишлаши тақиқланади.

### III. Стажировкани ташкил этиш

12. Стажировка адвокатлик тузилмаси томонидан ташкил этилади.

13. Стажировка камида олти ой давом этиши мумкин. Стажировканинг энг кўп муддати икки йилдир.

Узоқ муддат (бетоблик, ҳарбий йиғинларга чақирилганлик ва шу кабилар билан боғлиқ ҳолда) ишда бўлмаган вақт стажировка муддатига қўшилмайди.

14. Адвокатлик тузилмаси (худудий бошқармаси) томонидан стажёрга белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади. Стажёрлар қаторидан чиқарилганида гувоҳнома адвокатлик тузилмасига (худудий бошқармасига) қайтарилиши керак.

15. Адвокатлик тузилмасида ҳар бир стажёрнинг шахсий иши юритилади.

16. Стажировка ўташи устидан назоратни адвокатлик тузилмасининг раҳбари амалга оширади. Адвокатлик тузилмасининг раҳбари стажировка ўташини таъминлаб:

стажёр томонидан стажировканинг яқка тартибдаги режалари бажарилиши;

стажировка раҳбари берган топшириқлар ва уларнинг стажёр томонидан бажарилиши акс эттириладиган стажёрнинг кундалиги юритилиши;

стажёр томонидан аниқ ишлар бўйича қонунчилик ва суд амалиёти ўрганилиши;

стажёр томонидан адвокатлик тузилмасининг раҳбар органи олдида кейинчалик ўз вақтида рефератлар тайёрланиши ва ҳимоя қилиниши учун; стажёрнинг касбий тайёргарлик бўйича машғулотларда иштирок этиши; стажёрнинг стажировка ўташи тўғрисида ўз вақтида ва тўлиқ ҳисобот бериши устидан назорат қилади.

17. Стажёр ўз фаолиятини стажировка раҳбари берган алоҳида топшириқларни бажарган ҳолда унинг раҳбарлиги остида амалга оширади. Бунда стажировка раҳбари стажёрга зарур ёрдам кўрсатади.

Стажёр адвокатлик фаолияти билан мустақил шуғулланишга ҳақли эмас.

18. Стажировка раҳбари стажёр билан биргаликда адвокатлик тузилмасининг раҳбари томонидан тасдиқланадиган ҳар чораклик стажировканинг якка тартибдаги режаларини тузади.

Стажировканинг якка тартибдаги режасида стажёр томонидан бажариладиган иш мазмуни ва бажарилишнинг аниқ муддатлари, шунингдек, касб тайёргарлиги бўйича стажёр билан ўтказиладиган машғулотларнинг мазмуни ва муддатлари белгиланиши керак.

19. Стажёр стажировка ўташ даврида кундалик юритиб, унга стажировка раҳбарининг топшириқларини ва бажарган ишлари тўғрисидаги ҳисоботни ёзиб боради. Кундалик ҳар ҳафтада стажировка раҳбари томонидан текширилади ва имзоланади.

20. Стажировка даврида стажёр адвокатлик фаолиятининг барча йўналишларидаги соҳаларда касбий билимлар ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Бунда стажировка раҳбари стажёрга зарур маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериши, ўрганиш учун зарур бўлган қонун ҳужжатлари ва суд амалиётини тавсия қилиши шарт. Стажёр қонун ҳужжатлари ва суд амалиётини ўрганиб бўлганидан кейин стажировка раҳбари томонидан у билан аниқ мавзулар бўйича суҳбат ўтказилади.

21. Стажировка даврида стажёр келгуси ишдаги ихтисослашувни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқ ва процесснинг долзарброқ масалалари бўйича иккита реферат тайёрлайди. Тайёрланган рефератлар адвокатлик тузилмасининг раҳбар органи олдида кейинчалик ҳимоя қилиниши керак.

Биринчи рефератни ҳимоя қилганидан кейин стажёр билимлар, Адвокатларнинг касб этикаси қоидаларининг асосий нормаларини ўзлаштириши ва ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс), адвокатга маслаҳат сўраб муурожаат қилган шахслар билан суҳбат олиб боришни билиши, шунингдек, суд, процесснинг бошқа иштирокчилари билан муомала қилиш тактикасини ўзлаштириши керак.

Иккинчи рефератни ҳимоя қилганидан кейин стажёр судларда ҳимоя қилиш тактикаси ва услубиёти бўйича билимларга эга бўлиши, тўғри ва асосланган нуқтаи назарни ишлаб чиқиши, иш бўйича мазмунли нутқ тайёрлаши ва сўзлашни билиши керак.

22. Стажёрга нисбатан Адвокатларнинг касб этикаси қоидалари ва адвокатлик сирини сақлашга доир талаблар татбиқ қилинади.



23. Стажёрга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

24. Стажёрнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий суғуртаси адвокатлик тузилмасига келиб тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

#### **IV. Стажёрнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

25. Стажёр стажировкани ўташ даврида:

адвокатлик тузилмаси томонидан ташкил этиладиган амалий машғулотларда қатнашишга;

адвокатлик тузилмасининг ишида иштирок этишга;

адвокатлик тузилмасида мавжуд бўлган ҳуқуқий маълумотлар базаларидан, махсус адабиётлардан фойдаланишга;

норматив материалларни туркумлаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини умумлаштириш, стажировка раҳбарига топшириқларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва бошқа материаллар тўплаш билан шуғулланишга;

стажировка раҳбари билан биргаликда суд мажлисларида, тергов ҳаракатларида иштирок этишга, ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашга;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа хатти-ҳаракатларни содир этишга ҳақли.

26. Стажёр стажировкани ўташ даврида:

стажировка раҳбарининг топшириқларини виждонан, ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши;

адвокатлик сирини сақлаши;

адвокатлик тузилмасининг меҳнат интизомига риоя этиши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ стажёр бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

#### **V. Стажировка якунларини чиқариш**

27. Стажёр стажировканинг барча якка тартибдаги режаларини бажариб бўлганидан кейин ёзма ҳисобот тайёрлайди, унда ўзи томонидан стажировканинг якка тартибдаги режаларни бажарилишининг якунлари акс эттирилиши керак. Ҳисобот стажировка раҳбари томонидан тасдиқланади.

28. Стажировка муддати тугаганидан кейин стажировка раҳбари стажёрга муфассал тавсифнома тузади, унда унинг тайёргарлик даражаси, стажировка давомида у томонидан касбга доир олинган амалий ва назарий билимлари ҳамда кўникмалари, топшириқларни бажаришида ва коллективнинг жамоат ҳаётида иштирокининг фаоллиги, шунингдек, стажёрни малака имтиҳонини топширишга кириши тўғрисидаги тавсияси акс эттирилган бўлиши керак.

Стажёрга тавсифнома адвокатлик тузилмаси раҳбарининг имзоси ва тузилманинг муҳри билан тасдиқланади.

**VI. Якунловчи қоидалар**

29. Стажёр билан меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинади, стажёр эса адвокатлик тузилмасидан чиқарилади:

стажёрнинг стажёрлар каторидан чиқариш тўғрисидаги аризасига биноан;

стажёрни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суднинг қарори қонуний кучга кирганда;

стажёр томонидан адвокатнинг шаъни ва кадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этган ҳолда;

стажёр ўз вазифаларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолда;

стажёрни судланганлиги олиб ташланмаган ёки судланганлик ҳолати тугалланмаганликни келиб чиқишига олиб келадиган жиноят содир этганликда айбдор деб топилганлиги тўғрисидаги суднинг ҳукми қонуний кучга кирганда;

стажёрликка кираётганда талабгор томонидан ўзи ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тақдим этган бўлса;

стажёр Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;

стажировка ўташнинг энг охириги муддати тугаганда.

Меҳнат шартномаси (контракт) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўйича ҳам бекор қилиниши мумкин.

30. Адвокатлик тузилмалари белгиланган тартибда тегишли ҳудудий бошқармаларга стажировка билан боғлиқ статистик маълумотларни тақдим этади.

Статистик маълумотларни тўплаш ва ўрганиш якунлари бўйича ҳудудий бошқармалар адвокатлик бюрolari, адвокатлик фирмалари, адвокатлар ҳайъатлари учун стажировка ўташга энг кам миқдорда иш ўринларини белгилаши мумкин. Ҳудудий бошқармалар юридик маслаҳатхоналарида стажировка ўташ учун зарур миқдорда иш ўринлари яратадилар.

31. Мазкур Низомни бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

32. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

**Адвокатлар**  
**палатасининг раиси**

**Т. САЙИДОВ**

*Тошкент ш.,  
2009 йил 27 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**153** Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1929*

*(2009 йил 6 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 48-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (А. Инанбабаев) ҳамда Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармаси (Д. Якубова) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Ушбу буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклатилсин.

**Адлия вазири**

**Р. МУҲИТДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 27 март,  
80-мҳ-сон

Адлия вазирининг  
2009 йил 27 мартдаги 80-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

### **Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»-ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 48-модда) мувофиқ адвокат ёрдамчисининг (кейинги ўринларда ёрдамчи деб юритилади) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Адвокат адвокатлик фаолиятини амалга оширишда ёрдамчига эга бўлиши мумкин.
2. Олий ёки ўрта юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ёрдамчи бўлиши мумкин.
3. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс ёрдамчи бўлиши мумкин эмас.

#### **II. Ёрдамчи сифатида ишга қабул қилишни расмийлаштириш**

4. Адвокатлик бюросига, адвокатлик фирмасига, адвокатлар ҳайъатига ёрдамчи сифатида ишга қабул қилиш тегишли адвокатлик тузилмаси, юридик маслаҳатхонага эса Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармаси (кейинги ўринларда ҳудудий бошқарма деб юритилади) томонидан амалга оширилади.
5. Ёрдамчи сифатида ишга қабул қилиш адвокатлик тузилмаси (ҳудудий бошқармаси) раҳбарининг буйруғи билан амалга оширилади, мутасадди-адвокат ҳам шу буйруқ билан тайинланади.
6. Ёрдамчининг меҳнат шароитлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиладиган меҳнат шартномаси (контракт) билан белгиланади.
7. Меҳнат шартномаси (контракт) билан адвокатлик тузилмасининг (ҳудудий бошқармасининг), мутасадди-адвокатнинг ҳамда ёрдамчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ёрдамчининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби, иш режими, меҳнат шартномасининг (контрактнинг) амал қилиш муддати, уни тугатиш шартлари белгиланади, адвокатлик тузилмаси (ҳудудий бошқармаси), мутасадди-адвокат ва ёрдамчи ўзаро муносабатларининг бошқа масалалари тартибга солинади.

8. Айни бир шахс бир вақтнинг ўзида битта адвокатлик тузилмасида адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган бир неча мутасадди-адвокатларнинг ёрдамчиси бўлиши мумкин, бу ҳол ёрдамчини ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда ва меҳнат шартномасининг (контрактнинг) шартларида акс эттирилиши керак.

### III. Ёрдамчи ишини ташкил этиш

9. Ёрдамчининг иши адвокатлик тузилмаси томонидан ташкил этилади.

10. Адвокатлик тузилмаси (худудий бошқарма) томонидан ёрдамчига белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади. Меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинганда гувоҳнома адвокатлик тузилмасига (худудий бошқармага) қайтарилиши керак.

11. Ёрдамчи адвокат ҳуқуқларига эга бўлмайди ва унинг суриштирув, дастлабки тергов органларида, судларда ҳамда бошқа давлат органларида ишларни юритишига йўл қўйилмайди.

12. Ёрдамчи бевосита мутасадди-адвокатга бўйсунди.

13. Ёрдамчи мутасадди-адвокат кўрсатмасига биноан мутасадди-адвокатнинг иш юритишдаги ишлар бўйича мутасадди-адвокатнинг процессуал ваколатларига тааллуқлиларидан ташқари топшириқларни бажаради.

14. Ёрдамчи мутасадди-адвокатнинг топшириғига биноан:

ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ёки уларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этади;

сўровлар, илтимосномалар, аризалар ва мутасадди-адвокатнинг адвокатлик фаолияти учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларнинг тайёрланишида иштирок этади;

суриштирув, дастлабки тергов органларига, судларга ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотларига бериб юбориш учун материаллар тайёрлайди;

юритувда бўлган ва тугалланган ижро ишларининг ҳисобга олинишини амалга оширади;

талаб қилинган ҳужжатлар ва бошқа материалларни ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилади;

мутасадди-адвокат томонидан адвокатлик фаолиятини амалга оширилиши билан боғлиқ бошқа топшириқларни бажаради.

15. Ёрдамчи сифатидаги иш стажини адвокат мақомига эга бўлиш учун зарур бўлган юридик мутахассислик бўйича иш стажига қўшилади.

16. Адвокатларнинг касб этикаси қоидалари ва адвокатлик сирини сақлашга доир талаблар ёрдамчига нисбатан татбиқ этилади.

17. Ёрдамчига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

18. Ёрдамчи меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий суғуртаси адвокатлик тузилмасига келиб тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

#### IV. Ёрдамчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

19. Ёрдамчи иш даврида:

адвокатлик тузилмаси томонидан ташкил этиладиган амалий машғулотларда қатнашишга;

адвокатлик тузилмасининг ишида иштирок этишга;

адвокатлик тузилмасида мавжуд бўлган ҳуқуқий маълумотлар базаларидан, махсус адабиётлардан фойдаланишга;

норматив материалларни туркумлаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти-ни умумлаштириш, мутасадди-адвокатга топшириқларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатларни ва бошқа материалларни тўплаш билан шуғулланишга;

мутасадди-адвокат билан биргаликда суд мажлисларида, тергов ҳаракатларида қатнашишга, ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашга; конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа хатти-ҳаракатларни содир этишга ҳақли.

20. Ёрдамчи иш даврида:

мутасадди-адвокатнинг топшириқларини виждонан, ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши;

ўз касбий билимлари ва кўникмаларини доимий равишда ошириб бориши;

мутасадди-адвокат томонидан белгилаган тартибда бажарган ишлари тўғрисида мутасадди-адвокатга ҳисобот тақдим этиши;

адвокатлик сирини сақлаши;

адвокатлик тузилмасидаги меҳнат интизомига риоя этиши шарт.

Конун ҳужжатларига мувофиқ ёрдамчи бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

#### V. Яқунловчи қоидалар

21. Меҳнат шартномаси (контракт) ёрдамчи билан қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

ёрдамчининг ёрдамчилар қаторидан чиқариш тўғрисидаги аризасига биноан;

ёрдамчини муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суднинг қарори қонуний кучга кирганда;

ёрдамчи томонидан адвокатнинг шаъни ва кадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этилган ҳолда;

ёрдамчи ўз вазифаларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолда;

ёрдамчи судланганлик олиб ташланмаган ёки судланганлик ҳолати туғалланмаганликни келиб чиқишига олиб келадиган жиноят содир этганликда айбдор деб топилганлиги тўғрисидаги суднинг ҳукми қонуний кучга кирганда;

ёрдамчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;  
мутасадди-адвокатга нисбатан адвокат мақоми тугатилиши ёки тўхтатиб  
турилиши муносабати билан.

Меҳнат шартномаси (контракт) қонун ҳужжатларида назарда тутилган  
бошқа асослар бўйича ҳам бекор қилиниши мумкин.

22. Мазкур Низомни бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларига  
мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

23. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси би-  
лан келишилган.

*Адвокатлар  
палатасининг раиси*

*Т. САЙИДОВ*

*Тошкент ш.,  
2009 йил 27 март*

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2009 йил 19 мартдан 27 мартгача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 13 мартдаги 33, 2009-15, 01-02/8-6-сонли қарори.*

**2009 йил 20 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 589-4 (2009 йил 30 мартдан кучга киради).**

2. «Алкоғолли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 13 мартдаги 34, 2009-14, 01-02/8-7-сонли қарори.*

**2009 йил 20 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1320-2 (2009 йил 30 мартдан кучга киради).**

3. «Фойдали моделга Ўзбекистон Республикасининг патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2009 йил 11 мартдаги 35-сонли буйруғи.*

**2009 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1343-1 (2009 йил 4 апрелдан кучга киради).**

4. «Болаликдан ногиронларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 24 февралдаги 27-сонли буйруғи.*

**2009 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1927 (2009 йил 6 апрелдан кучга киради).**

5. «Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 27 мартдаги 79-мҳ-сонли буйруғи.*



*2009 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1928 (2009 йил 6 апрелдан кучга киради).*

6. «Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 27 мартдаги 80-мҳ-сонли буйруғи.*

*2009 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1929 (2009 йил 6 апрелдан кучга киради).*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ  
МАЪЛУМОТЛАРИ  
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

## ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUZ) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

***LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:***

*норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:*

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

*излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг кўйидаги имкониятлари мавжуд:*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

*респондент ҳужжатлар рўйхати;*

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

*фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:*

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

*фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.*

**WWW.LEX.UZ**

**сайтига марҳамат қилинг**